



ЃЎЗАНИНГ БЕКРОСС ЧАТИШТИРИШ УСЛУБИДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ТИЗМАЛАРИНИНГ ҚИММАТ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

таянч докторанти Г.М. Мирхамидова

Аннотация: Мақолада конкурс нав синаш кўчатзорида 2020-2022 йилларда ўрганилган тизмаларнинг хўжалик учун қимматли белгилари ва касаллик зараркунандаларга чидамлилигини ўрганиш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар; Ѓўза, тизма, селекция, тола, тола узунлиги, пахта вазни, кўсак, гуллаш, вилт касаллиги, зараркунанда, ўргумчаккана, кўсак қурти, хосилдорлик.

Республикаимизнинг пахтачилик соҳасини ривожланишида ғўзанинг янги навларини яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Вилт касаллиги ғўзага энг кўп зарар етказадиган касаллик ҳисобланиб, ўтган асрнинг 70 йилларида республикаимизда 30 фоизгача ҳосилнинг нобуд бўлишига сабаб бўлган. Ушбу касаллик бўйича селекционер олимларимиз катта ва самарали ишлар олиб борганлиги туфайли касалликнинг камайишига эришилмоқда.

Бундай ноқулай омилларнинг салбий таъсирини камайитиришда ғўза навларини тўғри танлай билиш, алоҳида аҳамият касб этади яъни, серҳосил, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларини танлаш ва ноқулай иқлим шароитига мойил бўлган минтақаларга жойлаштириш асосий чора тадбирлардан бири ҳисобланади.

Бунинг учун ғўза навларини юқори ҳароратга бардошлилигини баҳолаш, унинг таъсирида ўсимлик танасида содир бўладиган биокимёвий ҳамда физиологик жараёнларни изчил ўрганиб, бардошлилик хусусиятларини аниқлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига сифатли, пишиқ тола ва юқори ҳосил берадиган, ҳосили эрта пишиб етиладиган, касаллик ва зараркунандаларга, экстремал шароитларга чидамли бўлган навларни яратиш ҳамда шу ҳудудда асосий майдонларга экилаётган андоза навлар билан бирга солиштириб, андозадан устун бўлағналарини давлат нав синовларига тақдим қилиш мақсадида ҳар йили ПСУЕАИТИ Фарғона филиали тажриба даласида танлов нав синови ўтказиб келинмоқда.



2020 -2022 йилларда танлов нав синови кўчатзорига хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган 92- тизма , 93 -тизма , 110- тизма, 112 -тизма, 14 -тизма, 16- тизма ва 18- тизмалар бир қатор белгилари бўйича ўрганиб келинмоқда. Уларнинг чигит намуналари 4 такрорланишда , 4 қаторда , 90 x 20 -1 тартибда экилди.

Танлов нав синови кўчатзорида ғўза тизмаларининг ўсув давомийликлари ўрганилганда нихолларнинг 100 фоиз униб чиқиши бўйича 93- тизма ва 8- тизмалар андоза Андижон 35 навиға нисбатан 3 кун муддатга эрта ўниб чиққанлиги кузатилди.

Кўчатзорда вариантлар такрорланишлари бўйича 50 фоиз гуллаш муддати аниқланганда, 92- тизма андозага нисбатан 6 кунга олдин, 8 -тизма андозага нисбатан 5 кунга олдин гуллашга кирганлиги кузатилди.

Кўсақларнинг очилиш суръати ўрганилганда, 50 фоиз пишиб етилиш муддати андоза Андижон 35 навида 123 кунни ташкил қилиб, бу муддат 92- тизма ва 8- тизмаларда андозага нисбатан 4 кунга олдин бошланганлиги кузатилди. Бу кўрсаткич 93- тизмада эса пишиб етилиш бошқа тизмаларга нисбатан анча кеч рўй берди. Тизмаларнинг ўсув даври давомида ҳар бир вариант ва такрорланишда белгилаб қўйилган ғўза тупларида фенологик кузатишлар олиб борилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Тизмаларнинг униб чиқиши, гуллаши ва пишиш муддатлари.

Вар. №	Андоза ва тизмалар	Униб чиқиши, кун	50 фоиз гуллаши, кун	50 фоиз кўсақларни очилиши, кун
1	Андижон 35	11	62	123
2	92	9	56	118
3	93	8	59	124
4	110	10	60	119
5	112	11	62	120
6	14	9	59	122
7	16	10	63	123
8	8	8	57	118

Ўзанинг ўсув даврида тизмаларнинг вилт билан касалланиши, сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалари билан зарарланиши ҳам кузатиб борилди. Олинган



маълумотлар бўйича 110 -тизма ва 8- тизмалар энг кам зарарланиб, вилт касаллигининг ушбу ирқиға бардошли эканини намоён қилди (2 -жадвал).

Тизмаларнинг ҳосилдорлиги ҳисобланиб, пахта хом ашёсини технолоик кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинди (3-жадвал). Олинган маълумотлар бўйича бир дона кўсак пахтасини оғирлиги бўйича 8 -тизма (6,9 г) энг юқори кўратгичга эға бўлди. Унга кўра тола узунлиги бўйича 92 -тизма ва 8- тизмалар андоза ва бошқа вариантларга нисбатан ўртача тола узунлиги 35,0 мм ни ташкил қилди.

2-жадвал.

Тизмаларнинг вилт ҳамда бошқа зараркундалар билан зарарланиши.

Вар. №	Андоза ва тизмалар	Ўргимчаккана % да.	Кўсак қурти % да.	Вилт билан зарарланиш и % да.
1	Андижон 35	11,5	5,0	5,5
2	92	7,0	2,5	4,0
3	93	5,5	4,0	3,5
4	110	1,0	1,1	1,5
5	112	10,5	6,0	3,0
6	14	2,0	2,5	2,0
7	16	4,5	4,0	4,5
8	8	1,2	1,4	1,0

Тола чиқими 8-тизмада 40,7 ни ташки қилиб, андоза ва бошқа тизмаларга нисбатан устунлик қилди. Тизмаларни микронейр кўрсаткичи бўйича талаб даражасида эканлиги маълум бўлди. Тажрибанинг ҳосилдорлиги теримлар бўйича ҳисобланганда энг юқори ҳосил 8- тизмадан (41,5 ц\га) олинди.

Ғўзанинг вилт билан касалланиши, ўргимчаккана ва кўсак қурти билан зарарланишига 110 ва 8- тизмалар бардошли эканлиги аниқланди (2-жадвал).

3- жадвал.

Тизмаларнинг ҳосилдорлиги, хўжаликка фойдали белгилари ва микронейр кўрсаткичлари.

Вар. №	Андоза ва тизмалар	Ҳосил-дорлиги, ц\га	1 дона кўсак оғирлиги, г	Тола чиқиши, %	Тола узунлиги, мм	Микронейр кўрсаткичи
1	Андижон- 35	+01 37,9	-01 6,8	+05 37,0	+02 33,3	-01 4,7
2	92	39,6	6,0	37,7	34,0	4,4



3	93	37,0	5,8	37,4	32,8	4,2
4	110	39,5	6,0	38,2	33,7	4,0
5	112	35,7	5,7	36,1	33,3	4,5
6	14	38,2	6,1	37,7	32,3	4,6
7	16	38,0	5,8	37,4	33,6	4,4
8	8	41,5	6,3	39,7	35,0	4,2

Хуллас, тажриба натижалари бўйича, хўжаликка фойдали мукамал белгиларга эга бўлган 8-тизмани Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинларини синаш Давлат нав синаш комиссиясининг грунт назоратига топширилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Чориева Х.Д , Тожиев М. “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболлари”, республик илмий-амалий анжумани илмий материаллари тўплами (Тошкент, 2015 йил, 15-16 декабр, 1-қисм, 501-503 бетлар). «Ўрта толали ғўзанинг конкурс нав синови тажриба натижалари».
2. Эгамов Х., Рахмонов З., Бахромов С., Мўйдинов О. “УСТОЙЧИВОСТЬ НОВЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА К СОСУЩИМ ВРЕДИТЕЛЯМ”, Сборник научный трудов по материалам V Международной научно-практической конференции, г. Белгород, 2015 г. 81-84 ст.
3. Эгамов Х., Рахмонов З., Расулов С., Атахожиева Х., Мирхамидова Г. “Продуктивность и качество волокна нового сорта УзПИТИ-201 при загущении”. Сборник научный трудов по материалам V Международной научно-практической конференции, г. Белгород, 2016 г. 1-3 ст.